

Давоми иккинчи саҳифада.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАРАННУМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей саммити концерт билан бошланганида чуқур рамзий маъно муҳассам. Зеро, маданият ва санъат халқларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини англаши учун ўзига хос воситадир, бинобарин, мусиқа чегара ва масофа билмайди. Шу боис "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида дўстлик ва ҳамкорлик муҳити ҳукм сурди.

Олий мартабали меҳмонлар эътиборига ўзбек халқининг миллий ашула ва рақслари, шунингдек, жаҳон опера санъатининг энг сара асарларидан намуналар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари олиқтишар билан қутиб олинди. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ижросидаги "Ул ким жонон" ашуласи тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди. "Ўзбекистон" ва "Наврўз" рақс ансамбллари ижросидаги "Рақслар гулдастаси" хореографик композицияси ўзбек рақс мактабининг бутун кўрқу жозибасини намоён этди.

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали голландия Нодира Пирматова "Эй дилбери жонимин" ашуласини ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган катта ашула услубида ижро этди.

Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри П.Чай-

ковскийнинг "Евгений Онегин" операсидан лавҳа ижро этди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хонандалари Ш.Гунонинг "Ромео ва Жульетта" операсидан Жульетта вальсини куйлади.

Ўзбекистон халқ артисти Нормўмин Султонов ва «Ниҳол» мукофоти лауреати Маъсума Болтабоева «Менинг жонахон Хитойим», Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова «Қадрдонларим» ашулаларини хитой тилида ижро этди. Қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ халқларининг ашула ва рақслари ҳам ижро этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиёзов «Менга бергил куйларни», халқаро танловлар лауреати Милена Матмусаева «Севги садоси» деб номланган машҳур рус ашулаларини куйлади. Концерт дастури ШХТга аъзо давлатларнинг бой маданияти билан янада яқиндан танишиш имкониятини берди.

Ижро этилган ҳар бир куй-қўшиқда инсонга меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга эҳтиром юксак пардаларда тараннум этилди. Концерт ниҳоясида "Жон Ўзбекистон" композицияси янгради.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛАРИ МАЖЛИСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Вазирлар маданият ва санъат соҳасида биргаликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маданиятлар хилма-хиллигини сақлаш ва дунё халқлари маданияти ҳақидаги билимларни тарғиб этишга хизмат қилаётганини айтиб ўтди. Шу аснода иштирокчилар 2015 йилда Ўзбекистонда ўтказилган «Шарқ тароналари» ўнинчи халқаро мусиқа фестивалини юксак баҳолади ва бу фестиваль дунё халқларини мусиқа ҳамда қўшиқчилик санъати анъаналарини асраб-

авайлаш, ривожлантириш, халқларни санъат орқали эзгу мақсадлар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Иштирокчилар ШХТ мамлакатлари ҳудудида, яъни Хитой Халқ Республикасида «Ипак йўли» халқаро санъат фестивали, Қирғизистон Республикасида «Арт-Ордо» халқаро театр фестивали, Россия Федерациясида «Бердэмлек – Содружество» санъат фестивали ва Тожикистон Республикасида «Чо-дари ҳаёл» халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалининг муваффақиятли ўтказилаётгани халқлар ўртасида маданий ало-

қаларни кенгайтириш, дўстлик ва яқин қўшничиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини қайд этди. Бундай тадбирлар ШХТга аъзо мамлакатлар бадий жамоаларини бир майдонда жамлаб, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос миллий колоритини намоёйиш этиш имкониятини яратди.

Томонлар меҳмондўстлик ва ШХТга аъзо давлатлар маданияти вазирилар мажлиси юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

ЭНГ ЗАРУР ДЎСТ, ЭНГ СОДИҚ ҲАМРОҲ

Эрталаб кўз очинишгиз билан янгиликлардан хабардор бўлиш учун дастлаб телевизор ёки радио қулоғини бурасиз. Матбуот дўконларидан газета-журналларни харид қиласиз. "Телевизордан кўрсатишда юртимизнинг фалон жойида жуда қиройли спорт иншооти қурилибди", "Кеча радиодан эшитдим, дунёдаги энг бахтли мамлакатлардан бири эканмиз", "Газетадан ўқидим, ўзбекистонлик спортчи қиз жаҳон чемпиони бўлибди". Ҳа, кундан-кунга гуллаб-яшнаётган диёримиздаги янгиликларни элдошларимизга ҳолис ва ҳаққоний етказишда журналистларнинг хизмати беқийс. Журналистлик касби садокатни, жонқуярликни талаб қилади. Бугун мамлакатимизда бир минг тўрт юзга яқин оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Демак, ушбу соҳада қанчадан-қанча заҳматкаш журналистлар меҳнат қилмоқда.

Журналистика тарихига назар ташласак, миллий матбуотимиз тамал тоши қўйилган даврдан бугунги кунга қадар соҳада қанчадан-қанча элпарвар зотлар фаолият юритганига гувоҳ бўламиз. Бундан роппа-роса 110 йил олдин 27 июнда илк сони чоп этилган "Тараққий" газетасидан бошлаб ўнлаб миллий нашрлар Мунавварқори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний сингари боболаримизнинг фидойилиги сабаб дунё юзини кўрди.

Бу бежиз эмас. Юртимизда чоп этилган илк нашрлар миллиятни жаҳолат ва гафлатдан уйғотиш йўлида катта сазй-харакат олиб боргани, театр, адабиёт ва маориф равнақиға бемисл таъсир кўрсатгани айнй ҳақиқат.

"Тараққий" ва унга маслакдош "Хурийд", "Шухрат" сингари газеталар дастлабки сонлариданқозонди қанчалек буюк неъмат эканини англатишга ҳаракат қилди. Шу боисдан ҳам бу газеталар халқ орасида севиб ўқилди. Аммо ўша пайтлар бу миллий нашрлар йўлига тўсиқ қўйилди. Улар тез орада ёпилди.

1914-1915 йилларда "Самарқанд", "Садоий Туркистон", "Садоий Фарғона" сингари газеталарни чоп этган Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Обидхон Маҳмудов сингари муҳаррирлар ва улар билан бирга фаолият юритган журналистлар ҳам турли тазйику таъқибларга дуч келишган. Шундай бўлса-да, элу юртининг кўзини очиш мақсадида бу газеталарни чиқаришга астойдил интилишган.

Бугун юртимизда оммавий ахборот воситаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳар йили тажрибали, узоқ йиллар шу соҳада ишлаб келаётган журналистларга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони берилмоқда. "Олтин қалам" танловида қатнашувчилар ва совриндорларнинг сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Истиқлол туфайли миллий матбуотимиз орқали кундалик

ҳаётимизда кечаётган ҳар бир янгиликни, жараёни, ислохотларни очик-ойдин ёзиш, қимлигимизни дунёга англатиш имкони туғилди. Юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишларни ҳолис ва ҳаққоний ифода этиш орқали одамларнинг келажакка, ҳаётга ишончини уйғотиш журналистлардан катта маҳорат талаб қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек: **"Журналист деганда, халқимиз кўз ўнгига элу юртининг қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрвчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис, одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнглиларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар"**.



Ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси тарих саҳифаларига муҳрланади. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тарихи эса биз учун ниҳоятда қадри. Бу кунларга етгунча қанча йўлни босиб ўтдик. Ана шу жараёнда элдошларимизни янгича фикрлашга қорлас оммавий ахборот воситалари ҳодимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунини ҳамкасбларимиз катта тантана билан нишонлайди. Бугунги кунда дунё ахлининг Ўзбекистон эришган улкан ютуқ ва марраларни тан олишида, хабардор бўлишида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, журналистларимизнинг хизмати беқийс. Тарихий воқеа — Тошкентда бўлиб ўтётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилмоқда. Анжуман иштирокчиларнинг юртимиз ҳақида айтган илқй қирларини, билдирган ишончу эътирофларини ҳам барча юртдошларимиз оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб боришмоқда. Биз ҳам ана шундай масъулиятли ва машаққатли касб эгаларини касб байрамлари билан чин дилдан қўлайимиз.

Ижтимоий ҳаёт бўлими

Халқимиз бекорга «Ҳар ким етти бобосини билиши керак» демайди. Бунинг замирида катта ҳикмат бор. Тарихни, ўтмишни билиш келажак учун зарурдир.

Тарихий китобларни варақ-ласангиз, ҳозир сизу биз умргузаронлик қилаётган ҳудуд — икки дарё оралигидан дунёга донғи кетган буюк алломалар, авлиёлар, шавкатли инсонлар кўп етишиб чиқганини биласиз. Улар дунё илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшишган. Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида етишиб чиққан ана шундай олимлар — Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида гурур, эҳтиром туйғуларини уйғотади.

Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва теурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин олдиз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Қўшчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсласадан ўтолмаймиз.

Ёши улуг авлод истибод нима эканини яхши билади. Ягона ҳукмрон мафкура тазйиклари, пахта яккахокимлиги, она тилимиз, динимизнинг аҳоли, миллий урф-одатлар ва қадриятларимизга муносабат, камситиш билан қараш устувор эди. Айниқса, спорт, санъат, илм-фан, ҳарбий, қўйингки, барча соҳаларда бу ҳол яққол кўзга ташланарди.Ўзбек йигитлари ҳарбий хизматга фақат қурилиш баталонларига олинарди...

У кунлар билан бугунги кунни қийслайдиган бўлсак, эҳ-ҳе, осмон билан ерча фарқ бор. Бугунги ёшлар — бахтли авлод! Улар мустақиллиқнинг эркин ва тоза насимидан баҳраманд бўлиб улғайишмоқда. Улар истибод, мустамлака нима, бировга тобелик, мутелик қандай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди. Бу авлоднинг қалби тоза, эзгу туйғуларга лиммо-лим, кўнгли яратувчилик, бунёдкорлик иштиёқи билан тўла. Биз бу авлодни асраб-авайлашимиз, уларнинг эркин, мустақил фикрловчи инсонлар бўлиб улғайиши учун ҳаётий тажрибамиз, яқин тарих-

қай даражада, қандай нишонлардик?

Биргина собиқ тузум давридаги она тилимизга муносабатни олиб қарайлик. Респубблика, вилоят микёсидаги катта-катта йиғинлишлар бошқа тилда олиб борилар, расмий ҳужжатлар, давлат идораларида хатларга жавоблар, ёзишмалар шу тилда юритиларди. Ўша йиллари аэропорт, темир йўл кассалари олдида чипта ололмай, тўғрироғи, фикрини ўзга тилда тушунтирилмай турган ёши

КЎКСИМДАГИ ИФТИХОРИМ

улуг отахону онахонларни кўп кўрганмиз. Марказдан келган вакиллар маҳаллий халқ тилини тушунмаса-да, мажлисларда ота-бобоси миришкор ўтган инсонларга деҳқончилик, чорвачилиқдан «сабоқ» берарди.

Миллий қадриятларга, талантли, қобилиятли ёшларга муносабатда беписандлик, камситиш билан қараш устувор эди. Айниқса, спорт, санъат, илм-фан, ҳарбий, қўйингки, барча соҳаларда бу ҳол яққол кўзга ташланарди.Ўзбек йигитлари ҳарбий хизматга фақат қурилиш баталонларига олинарди...

У кунлар билан бугунги кунни қийслайдиган бўлсак, эҳ-ҳе, осмон билан ерча фарқ бор.

Бугунги ёшлар — бахтли авлод! Улар мустақиллиқнинг эркин ва тоза насимидан баҳраманд бўлиб улғайишмоқда. Улар истибод, мустамлака нима, бировга тобелик, мутелик қандай бўлишини тасаввур ҳам қилолмайди. Бу авлоднинг қалби тоза, эзгу туйғуларга лиммо-лим, кўнгли яратувчилик, бунёдкорлик иштиёқи билан тўла. Биз бу авлодни асраб-авайлашимиз, уларнинг эркин, мустақил фикрловчи инсонлар бўлиб улғайиши учун ҳаётий тажрибамиз, яқин тарих-

дан ҳам огоҳ этишимиз керак.

Бу йил халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлайди. Бугун қайси ҳудуд, шаҳар ёки қишлоққа борманг, шу улуг байрамимизга қизгин тайёргарлик кўрилатганининг устидан чиқасиз. Ўтган йилларда амалга оширилган ишлар кўлами шу

ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин».

Ҳа, ер юзида давлатлари юртилар, элу элатлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлари мавжуд. Аслида дунё шу рангбаранглиги билан гўзалдир.

Яқинда дунёдаги энг йирик, қудратли мамлакатлардан

Она юртим — олтин бешигим

қадар кенги, уни икки-уч жумлада ифодалаб бўлмайди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий соҳаларда кўлга киритилган ютуқларимиз жуда ҳам улкан. Ғалла, энергетика мустақиллиги, автомобилсозлик саноати, халқ таълими, тиббиёт, илм-

бирига хизмат сафарига бориб келган ҳамкасбим ҳажонларини таассуротларини гапириб берди: «Албатта, улар биздан тараққиёт нуқтаи назаридан анча илгарилар кетишган. Компютер технологиялари, ишлаб чиқариш юксак даражада дейиш мумкин. Аммо у давлатнинг пойтахтидаги энг шинам меҳмонхоналаридан бирида икки ҳафта яшаб, кун санаб ўтказдим. Таомларини ёйолмайди. Шаҳарда губорнинг қалинлигидан ҳаво етишмайди, осмон кўринмайди. Ўйладим: бу миллатнинг болалари қуёшни кўрмай, ой нималигини билмай воёга етарканда. Одамлар ўртасидаги муносабатлар расмий, манфаату ҳисоб-китобга асосланган. Меҳр-оқибат йўқ. Муҳаббат йўқ. Ишонасизми, менинг қўрганларимга таққосласак, биз жаннатда яшаётган эканмиз. Ҳар кунги тушумига мевазор ҳовлимиз, шарқираб оқётган зилол сувлар, меҳрли, самимий чехрали одамларимиз, ширин таомларимиз кириб чиқади денг».

Ҳамкасбимнинг қайфияти менга ҳам кўчди. Мана шундай энг осмон беғубор, осойишта юртта яшаётганимдан ифтихор қиламан. Тилимга беихтиёр севилиб шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг бетакрор мисралари келади:

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган чинорим,
Қўксимдаги ифтихорим,
Бўйинимдаги турморим,
Ўзинг менинг улуглардан
Улугимсан, Ватаним!

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,
журналист

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу ерда ўз ишининг устаси Равшан Нуриддинов ҳар бир маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини тушунириб берди: бу кир ювадиган машина — ярим автомат, буниси тўла автомат, ўзи ювади, қуритади, дазмон босади; мана бу электр печи, нон ёпади, сомса пиширади, балиқ қовуради; мана бешта юмушни баҳарадиган газ плитаси... Жанубий Корея, Италия ва бошқа мамлакатлардан келтирилаётган хом ашёлардан йиғилади.

Бу ерда ишлаётган ишчиларнинг аксарияти коллежларни битириб келган ёшлар, зехни ўткир, тиришқок эмасми, мутахассислар кўрсатиб берганини дарор ўрганиб олади, инглиз тилида ҳам бинойидай гаплашишади.

Энди маҳсулотлар тайёрланадиган, реконструкция қилинган бинога ўтамыз.

Ўх-ху, кўргазма залида завқланиб, ҳавас қилиб томоша қилганимиз музлаткич кондиционер, телевизору чангюткич, газ плиталарию кирювиш машиналари кони шу ерда экан-ку! Уларнинг бари бу улкан бинода босқичма-босқич йиғиларкан. Бамисоли икки эшик ораси, бир эшиқдан материал, деталлар киради, иккинчи эшиқдан тайёр маҳсулот бўлиб чиқади. Дикқатталар, ноҳик жараён билан банд ишчиларнинг вақтини олмасликка, ортиқча савол бермасликка ҳаракат қилами. Оператор Саъдулла Фатхуллаев кондиционерларнинг ташқи босимини текшириш, назоратчи Муҳаррам Пардаева қутиларни номерлаш билан банд, синчак бу қизнинг нигоҳига кичик бир нуқсон, қусур тушса дарҳол иш бошини хабардор қилади.

Иккинчи босқич бўйича Италиядан янги линиялар келтирилаётган экан, демак иш ўринлари уч юздан ошади. "Roison" бренди, "Ўзбекистон" тамғаси билан тайёрланадиган маҳсулотлар юқори сифатли, рақобатбардод бўлиши қафолатланади.

Тикув машиналари тайёрлашга ихтисослашган "Juitta gulshani" қўшма корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш учун 2 миллион 400 минг АҚШ доллари сарфланибди. Хомашё Хитойдан келтирилар-

кан. Марказий Осиёда ягона ушбу корхона йилига 15 мингча "Оверлог", тўғри чокли, жимхимадор чокли тикув машиналари ишлаб чиқариш қувватига эгаллигини айтишди. Қизик, тикиш, бичиш, асосан, хотин-қизларнинг иши бўлса ҳам иш қуроли тайёрлаш йигитларнинг чекига тушибди. Цех бошлиғи пайаркилик Олим Ҳасанов билан танишдик. Беш ой Хитойда ўқиб келибди, тез, чаққон ишлашини, қалин материалларни ҳам тиқишини кузатдик. Тикув машинаси ўрна-тиладиган, ўтириб ишлашга мослашган столларни ўзимизда тайёрлайдиган бўлишбди.

Худуддаги "Auto Pad Systems" масъулияти чекланган Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида турли русумдаги ен-

иш ўрнига эга. Шиша толали оптик қурилмалар, оптик пачкард, телекоммуникация жавонлари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаради. Устав капитали 500000 АҚШ доллари ҳажмида. Учинчи корхона эса энди иш бошлаяпти. Гулистон шаҳридаги "BROADBAND SOLUTIONS" қўшма корхонаси маҳсулотлари негизда аҳолига замонавий алоқа хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кўзда тутилган.

Хитойлик мутахассислар икки ой мобайнида касбнинг сир-асрорини ўргатишади. Фарзандларимизда илм, ҳунар дейсизми, тил, мусиқа, ашула, қўйингки, қайси соҳаларни бўлмасин ўрганишда алоҳида қобилият борлиғи қувонарли. Ёш ҳодимлар техникани ҳам тез эгаллаб олишибди, инглиз тилида ҳам бурро гаплашиаяпти.

Йирик лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари амалга оширила-

гил автомобиллар, юк машиналари, автобус, поезд, метрополитен вагонлари, буғулаш техникаси учун тормоз колодкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилибди. 60 хил ускуна, дастгоҳларга эга корхона йилига 30 минг жуфт, йирик автомобиллар учун 20 тонна колодкалар тайёрлаш қувватига эга экан. Икки мамлакат шериклигида бурама мих чиқаришга ихтисослашган яна бир корхона эйга. 250 тонна мих тайёрлаш қувватига эга. Хитойнинг яна бир корхонаси "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари", "Электрон ҳисоблағич" МЧЖ билан ҳамкорликда 300 литргача бўлган сувни қуёш энергияси билан 40 даражадан 70 даражагача иситиб берувчи ускуна чиқаришга киришибди.

"ЖИЗЗАХ" МИЗ худудида "Узтелеком" компанияси Хитойнинг "Huawei Tech. Investment CO. LTD" компанияси билан ҳамкорликда "GPON" технологияси асосида телекоммуникацион қурилмалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш"га доир лойиҳа ҳам йирик, истикболли лойиҳалардан бири.

Ҳозир биринчи корхонада меҳнат қилаётган 18 нафар ишчидан 10 нафари коллежи битирган. Ушбу корхона ўтган йил IX халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида ишлаб чиқилган телекоммуникация қурилмалари билан қатнашиб, шартномалар тузди. Иккинчи корхона 12

ётган кезларда қурилиш масканларидан ижод ахлининг қадами узилмайди. Бу ердаги жараёнлар ҳақида қанча мақола, очерклар ёзиш, эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш мумкин.

Ҳа, Навоий, Жиззах, Ангрен махсус индустриал зоналарининг истикболи порлоқ. Ҳавас қилгилу, ибрат олгилу, тарғиб этгилу янгиликлар, ўзгаришлар анчагина. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўғйи арафасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари келажакимиз, юрт равнақи учун. Келажак авлод учун яратилаётган шарт-шароитларни, эътибору ғамхўрликни қанча кўз-қўзласак шунча кам.

Жиззахдан пойтахтга қайтиш асносида йўл-йўлакай қурилган замонавий уй-жойлар, бир-бирдан шинам ошхонаю чойхоналар бу ерда ҳаёт қайнаётганидан далолат бериб турибди. Қуш утса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган чўл худудида бугун ана шундай ўзгаришларни кўриб кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни ўйладим. Ана шундай истиқлол бахш этган ифтихор ҳар биримизнинг дилимиздан дақиқа сайин ўтиб туришига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Сайди УМИРОВ

Жиззах — Тошкент.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида ёзувчи Ўлмас Умарбеков янги роман ёзибди, деган хабар кулоққа чалинди. Йирик жанрдаги асарлар ҳар доим ҳам юзага келавермас, ҳусусан, яхши роман дунёга келса адабиёт учун байрамдай қабул қилинар эди. Бундай асарни қўлга киритиш учун нашрлар ўртасида пинхона рақобат бўларди. Ўша пайтларда Ўлмас ака китобхонларнинг сеvimли адиби сифатида эъозланар эди. Мен ҳам у кишининг бирор нарсасини қолдирмай ўқиб борардим. Вазифам тақозосига кўра (ёшлар нашриётида бадий адабиёт бўлимини бошқардим), дарҳол ёзувчи билан боғланиб, янги асар, кўлёманинг аҳоли ҳақида суриштирдим. Ўлмас ака "Дамир Усмоновнинг икки баҳори" номли роман ёзиб тугатганини, энди уни қайтадан кўриб чиқиши зарурлигини таъкидлади. Раҳбарлар билан маслаҳатлашиб, асарни келаси йил режасига киритдик. Аммо кўлёмани қайта кўриш, тайёр холга келтириш ишлари анча чўзилди. Айтиш жоизки, муаллиф ўз ишига жуда талабчан, боз устига, масъул лавозимда ишлаши боис, бўш вақт деярли бўлмас эди. Режадаги китобнинг чиқмай қолиши эса наشريёт учун нуқуллайлик тугдирарди. Бундан ташқари, режадаги бирор асарни ўзгартириш учун, албатта, Марказдан рухсат олинарди.

Биз қулайроқ йўлни танлаб, ёзувчининг янги асари ўрнига унинг машхур "Одам бўлиш қийин" романининг қайта нашрини режага қўйди ва буни Марказга маълум қилдик. Ҳар иккала асарнинг адади олтимиз минг нусхадан белгиланган эди. Лекин шу орада менинг тобим бўлмай, икки ойча ишга боролмадим. Бу вақт ичида наشريётда қороз ҳажмини қисқартириш эҳтиёжи туғилган. Раҳбарлардан бирининг фикрича "Одам бўлиш қийин" романи ададини тенг ярмига қисқартиришган. Бу муаллифнинг қалам ҳақида жиддий таъсир этган. Бунинг "айбдори" сифа-

тида Ўлмас ака мендан хафа бўлган. Мен эса, ўзимни оқлашга уринмадим.

Аммо бир қулай имкониятдан маҳрум бўлганимни ўзимча ҳис этдим... Ўша кезларда толиққанмидим, тез-тез касалга чалинардим. Ҳар хил савиядаги кўлёмаларни ўқиш, муносабат билдириш менга осон кечмаётган эди. Кўзларим ҳам хиралашгандай туюларди. Бирор нима ёзиш ҳам, асосан, тунги уйку хисобига адо этиларди. Шу боис, енгилроқ бирор иш толишни ўйлардим. Бундай иш эса Ўлмас Умарбеков етакчи бўлган "Ўзбекфильм"да бор эди. У кишининг ташаббуси билан ташкил этилган сценарийчилар гуруҳида бир неча ижодкор фаолият олиб борарди. Мен ҳам "Севги тори" деган қиссам асосида кино асари ёзишни ўзимча режалардим. Бу асарим кўлёмасини Ўлмас ака аввал ўқиган, мени табриклаган эди.

Ниятимни устозга айтиш арафасида эса юқоридаги воқеа юз берди. Кўнглимдаги гап "ичимда" қолиб кетди. Бироқ, барибир, ишдан воз кечиб, эркин ижода ўтдим. "Мувозанат" деган романимни "бекорчилик" йилларида қозғога туширдим.

Шундай кунларнинг бирида тасодифан Ўлмас ака билан самолётда учрашиб қолдик. Мен ўртақроқдаги ўриндиқлардан бирида ўтиргандим. Бир маҳал тепамда таниш, майин овоз эшитилди:

— Ёнингиз бўшми, Мухаммаджон? Шошиб ўрнимдан турдим. Рўпарамда арбобларга хос чиройли кийинган



Ўлмас Умарбеков жилмайиб турарди. Саломлашдик. Ўтирганимиздан кейин шунчаки ҳол сўрашган бўлдик. Гўё Бухоронинг жазираси бизни қароқчи қўлга келтирган, суҳбатга хоҳиш йўқдай эди. Лекин индамай, мум тишлаб ўтириш ҳам галати туюларди. Ҳар қалай, бу ҳол кўп давом этмади.

Ҳаво кемаси юқорига кўтарил-

ган бир гап ёдимга тушди: "Ижодкор учун радио катта майдон — жуда кўп киши тинглайди; қалам ҳақи ҳам тузук. Тортиниб ўтирмай, асарларингизни олиб келаверинг..."

Ҳа, миннатдор бўлиб айтиш мумкинки, ижодкорнинг шаклланишида, "бўй чўзиши"да, руҳий ва молиявий қийинчиликларни бартараф этишида Ўзбекистон радиоси бекиёс, беминнат хизмат қилиб келган. Бундан камина ҳам хамиша баҳраманд бўлганман. Лекин ўшанда...

— Йўқ, ҳаммаси жойида, Ўлмас ака, — дедим кўнглим кўтарилиб. — Рост, яқин орада ҳеч нима беролганим йўқ. — Жиддий иш қилмасизми? — Шу ниятда ишдан бўшагандим. — Иш юришяптими?

ЎЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

гач, салқинлик гўё ҳушимизга келтирди, ўзимизни тетик сеза бошладик. Бир вақт Ўлмас ака мен томон бурилиб:

— Аҳвол қандай, Мухаммаджон? — деб сўраб қолди. — Кўринмай қолдингиз? Нима дейишни билмай қаловландим. Бу кезларда у киши юқори лавозимда ишлар, мажлислардагина кўриш мумкин эди.

— Ҳа, энди... — дейишдан нари ўтолмадим. — Ижод маъносиде сўраяпман, — дея Ўлмас ака гапига тузатиш киритди. — Яқин орада бирор нарсангизга кўзим тушмади. Радиога ҳам ҳеч нима бермаяпсиз...

— Гоҳида, имкон борица... — гудрандим. — Радио, телевидение программаларини мен тасдиқлайман. Ростини айтинг: ўзингиз бермаяпсизми ёки ўтказишмаяптими?

Бир неча йил аввал Ўлмас ака айт-

— Хомаки нусхани тугатдим. Лекин кўнглимга ўтиришмаяпти.

— Ҳм, унда, шошилманг, обдон пиштинг, аввал, ўзингизга маъқулатинг.

— Раҳмат, ака. — Ўзингизга ёқадиган саҳифалари бўлса, албатта, радиога парчалар беринг. Тирикчиликка мадад бўлади. Мен бўлимга айтиб қўяман...

Ҳис этдимки, Ўлмас ака мендан аразламаган ёки ўша воқеани эсидан чиқариб юборган. Одатда, феъли кенг, яхши одамлар шундай мард бўладилар. Ўлмас акада ҳам бу хусусият яққол кўзга ташланар, ҳар бир ижодкорга яхшилик қилиш туйғуси билан яшарди.

Ўша йиллар қозғоқ тақчиллиги орқасидан китоб чиқариш, қалам ҳақи олиш бир мунча мушкуллашган эди. Бундай вазиятда эркин ижод билан банд бўлиш ўзини оқламай қўйганди. Шунини ўйлаб ҳам ишлаб, ҳам қалам

юретишга имкон берадиган ўнғай бирор иш топиш ҳаракатига тушдим. Бироқ ҳа деганда бундай иш учрайвермади. Фақат Ёзувчилар уюшмасида ишлаш менга қўл келар эди. Уюшмага эса бу вақтда Ўлмас Умарбеков раҳбарлик қиларди. Мени ишга олишига кўзим етмаса-да, кўнглимдаги илнж ўша даргоҳга чорларди.

Илнж панд бермади, раис мени самимий қаршилади. Мен эсам муддаога ўтишдан олдин дилимда оғир юк бўлиб ётган "дард"дан қутилишни истадим:

— Ўлмас ака, наشريётдаги иш туйфайли мендан хафа бўлгансиз. Вазият...

Ўлмас ака сўзимни охиригача тингламади:

— У гапларни қўйинг, Мухаммаджон, мен сиздан хафа бўлганим йўқ, — деди сўзимни бўлиб. — Вазият ўзи шундай бўлган. Кейин... ўшанда мен қайта наширдан тушадиган қалам ҳақини бир нималарга мўлжаллаб қўювдим. Шу учун қизишганман.

— Мен бепарволик қилганман, — дедим яна хижолат чекиб.

— Буни ўйламанг, ҳаммамиз ҳам хато қилганмиз, — кулисирлади Ўлмас ака. — Ҳўш, ишлардан, ижоддан гапиринг.

Мен иккиланган қўйи кўнглимдаги гапни айтдим. Бир оз ўйга чўмди-да: — Шу топда бизда ҳамма ўринлар банд, — деди ва сўнгра дангалига. — Агар бошқа бирор жойда, редакцияларда бўш ўрин бўлса, айтинг, ҳозирок гаплашамиз.

— Ўзимга маъқулини тополмаяпман... — дея четга қарадим ва шу заҳоти ўринсиз гапимдан ўзимча изза бўлиб, лабимни тишладим. У кишидан жиддий танбеҳ эшитсам керак, деб

ўйладим: "Нотавон кўнглига кўтир жомашов, деса-я".

Йўқ, ундай таъна эшитмадим. Аксинча, хайрихоҳлик билдиргандай:

— Унда суриштириб юринг, мен ҳам суриштираман, — деди Ўлмас ака. — Маъқул иш топилас, ўзим тавсия қиламан. Майлими?

— Ҳўп... — дея ўрнимдан кўзгалдим.

— Тўхтанг-чи, — деди ногоҳ. — Назаримда, сизга ҳозир ёрдам керак.

Индамадим. — Иш топилгунча бир иш қилсак.

Қайта ўтириб, саволмуз тикилдим.

— Ҳозир қабулхонага ўтиб, менинг номимга ариза ёзинг: Бухорога икки ойлик ижодий командировка сўранг. Режаларингизни айтинг.

Бу — мен учун катта имконият эди, қувониб кетдим:

— Раҳмат, — дедим беихтиёр.

— Бухорога бориб келгачми, кейиним, ижодий режаларни Дўрмонда, ижод уйида амалга ошираверсангиз бўлади, — деб Ўлмас ака сўзини давом эттирди. — Яна адабиёт жанғармасига ҳам ариза ёзинг. Уларнинг ёрдами ҳам чакки эмас. Маъқулми?

— Э, маъқул ҳам гапми, — хурсанд бўлиб, ўрнимдан турдим. — Сизга қандай миннатдорлик билдиришни билмаяпман.

— Яхши бир асар юзага келса, ҳаммамиз хурсанд бўламиз.

— Ҳаракат қиламан, Ўлмас ака...

Чиндан ҳам бу эътибор туйфайли мен ўзимни ўнглаб олдим: янги китоб тайёрладим, бир неча хикоялар, очерклар ёздим. Ишга кириш эса кейинчалик амалга ошди. Бу пайтда нафис сўз устаси, моҳир ташкилотчи, чинаям инсон Ўлмас Умарбеков Маданият вазирлигига етакчилик қилар, хилма-хил соҳадаги ижод аҳлига яхшилик улашишда давом этарди...

Охиратингиз обод бўлсин, бағрикенг, бегубор Ижодкор!

Мухаммад САЛОМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Биз истиклол фарзандларимиз" номли ёш ижодкорлар баёзи чоп этилиб, унинг тақдироти кенг жамоатчилик ўртасида бўлиб ўтгани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Тақдирот маросимида уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али таъкидлаганидек, "Юртбошимизнинг ёшлар сиёсатини амалга оширишда энг муҳим ва устувор вазифалардан бири бўлган ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига юксак аҳамият берилаётгани кувонарлидир.

Юртимизда истеъдодли ёшлар жуда ҳам кўп. Маъқур баёзга ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ижод қилаётган, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган 200 нафардан зиёд ўғил-қизларнинг 67 нафари саралаб олингани бунинг ёрқин исботидир.

Ёшлар баёзига ижод намуналари киритилган умидли ижодкорларнинг ўй-фикрлари, таассуротлари ва кайфиятлари билан қизиқдик.

Ифтихор

Моҳидил АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилояти

— Истиклол меҳри билан улғайиб бораётган истеъдод чечакларининг куртак ёзиб, ўзимизни баралла намоён қилишимиз учун юртимизда барча шароитлар етарли. Ёшлар баёзи ҳам бунга бир мисол. Унга менинг ҳам ижод намуналарим киритилганини эшитганим заҳоти қалбимда кўёш порлагандек бўлди. Юртимизнинг истеъдодли ёшлари қаторида ўзимни ҳам кўриш қувонарли, албатта. Дарвор кўз олдимга ўша китобни ўқиган яқинларим келди. Шеърларим босилган саҳифани ўқиганда улар қанчалар қувонади.

Алоҳида таъкидлашим керакки, шеърый машқларим сараланиб, республика баёзига танланишида Республика Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими қошида ташкил этилган "Бобур издошлари" адабий тўғарагида олиб бориладиган машғулотларнинг ҳиссаси катта. Бизларга чексиз имкониятлар туҳфа этган, дилимизга илҳом бағишлаб, қўлларимизга қалам тутқазган азиз Ватанимизга, мустақиллигимизга кўз тегмасин.

Отабек ОДИЛ, Хоразм вилояти

— Мен ярқ этган истеъдод эгаси асло безътибор қолмайдиган юртда дунёга келганимдан фахрланаман. Сўзини сеҳрли, қудратли куч сифатида қадрловчи, сўз санъаткорлари учун тугалланмас илҳом манбаи бўлган улуг халқ фарзанди эканлигим — менинг бахтим. Мустақиллигимизнинг чорак асрлик шодиёнасига бағишланган шеърый гулдаста — ёшлар баёзини нашрга тайёрлашда қораламаларим шеър деб баҳоланиб, китоб саҳифаларидан ўрин олганлиги, айниқса, ота-онам ва устозларимни беҳад севинтирди.

Мамлакатимизнинг турли бурчларида яшаб ижод қилаётган тенгдошларим, ака-сингилларим ижодидан баҳраманд бўлиш, уларнинг нима ҳақда ва қандай ёзаётганларидан хабардор бўлишимизда ҳам маъқур баёзининг аҳамияти катта. Шунингдек, машқларимизни адабий жамоатчилик, устоз шоирлар назаридан ўтказиш учун ҳам қулай имконият. Бундай эмин-эркин ижод қилиш ва ўз сўзимизни дадил айта олиш имконини берган истиклолимизга ташаккур. Маъқур баёзининг нашр этилишида ўз меҳнати аямаган барча устозларга самимий миннатдорчилигимизни билдираимиз.



Алибек АНВАРИЙ, Сурхондарё вилояти

— Мамлакат келажагини ҳар жиҳатдан баркамол, маънавияти юксак, илму маърифатли ёшлари таъминлаши — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Тарихан маълумки, ҳар қандай тараққиёт негизида эртанги кун эгаларига навниҳоллигидан кўрсатиладиган эътибор ётади. Юртимиздаги барча ёшлар худди шундай эътибор ва юксак ғамхўрликлар остида улғаймоқда.

Истиклолимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида нашрдан чиққан "Биз истиклол фарзандларимиз" номли ёшлар баёзи ҳам ватанимизда ёш ижодкорларга эътибор ва хайрихоҳликнинг яққол далилидир. Тенгқурлар қаторидан жой олганим менга катта мамнуният улашиши билан бирга масъулият ҳам юклайди.

Адабиёт азал-азалдан миллатимизнинг қалби ва қонида бор. Ўйлайманки, маъқур баёз улғу боболарга муносиб ёшларни ўз бағрида жамлагани билан ҳам қадрлидир.

Шоҳиста ЭРГАШЕВА, Сурхондарё вилояти

— Бугун менинг кўксимни фахру ифтихорга тўлдириб турган шукроналик ҳисси ўйлайманки, барча тенгдошларимнинг ҳам қалбидан кечаётгани кувонарлидир. Диди баланд, шеърга талабчан, адабиёт осмониде ўз макъо ва ўрнига эга тажрибали устозларимиз назаридан ўтган китобда шеърларимизнинг босилиб чиқиши биз учун катта воқеа бўлди.

Ушбу баёз кўнглимизни кўкларга кўтарган бўлса-да, ҳали олдинда катта изланишлару тинимсиз ўқиб-ўрганишлар турганини эслатиб қўйди. Баёз орқали машқларимиз билан танишган устоз шоирлар бундан кейин ёзганларимизни ҳам синчилаб кузатишлари турган гап. Уларнинг ишончини пучга чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Буни яхши англаган ҳолда мақсадларни катта олиб ўз устимизда мунтаза ишлаймиз.

Ўзбек адабиётидек улкан уммонга бир томчи бўлса-да, ҳиссамизни қўшасан деган ниятимиз бор. Шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш эса ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

Жўрабек ЖАҲОН тайёрлади

Жасур КЕНГБОВЕВ

ТАФАККУР ХАРИТАСИ

Дунёда айрим нарсаларни қилишнинг ҳеч иложи йўқ. Худди айлананинг квадратини чиқариб бўлмаганидек, инсон ўз ота-онасини, тугилажак ерини танлай олмайди. Киши учун ота-она қанчалик буюк ва суюқ юксал, Ватани ҳам шунчалик азиздир. "Она Ватан", "Ота юрт" каби сўзлар бежиз ёнма-ён келмаслиги ҳам шундан.

Нега Ўзбекистонга таппинади?

...Тўсатдан тоби қочиб қолган дўстимизни пойтахтдаги шиғоҳоналардан бирига жойлаштирдик. Уни обдон текширган шиғоҳорлар зудлик билан операция қилиш кераклигини айтди. Жарроҳлик амалиёти кўнглидагидек ўтди.

Кечга яқин тоза ҳавода озороқ айлангани палатадан чиқсам, ўриндиқлардан бирида кексароқ киши ва мен тенги йигит суҳбатлашиб ўтирган экан. Секин ёнига бориб чўқдим. Сал ўтиб амаки мени гапга солди.

Қўшни республикадан келибди. Кўринишидан ҳеч хаста одамга ўхшамайдиган меҳмоннинг айтишича яқинда операциядан чиқибди.

— Ука, тўғрисини айтсам, жуда абгор ахволда — ўғилларим қўлида кўтариб олиб келишган эди, — деди амаки ўзгача ургу билан, зўрға ўзбекчалаб. — Мана, тез кунда отдай бўлиб қолдим. Ўзбекистонда зўр шиғоҳорлар кўп.

Мен шунча йўл босиб келишининг сабабини сўрадим. Ахир бошқа давлат, олис йўл, харажатлар — ўз-ўзидан бўлмайди-ку?

— Тўғри, ўзимизда ҳам шиғоҳоналар тузук. Лекин беморга эътибор, шиғоҳорларнинг маллаҳаси дегандай... Ие, қўйинг. Ўзбек дўхтирларининг қўли енгил, ишончли. Муомаласи яхши. Шунинг учун қанча вақт, харажат келса ҳам шу ерга келамиз-да, — деди отахон жисмайиб.

...Кўп эшитган гапим эсимга тушади: 25 йил муқаддам ўзимизда ҳозиргидай ҳар қандай мураккаб жарроҳлик амалиётлари қилинмаган. Баъзан энг оддий касалликларни даволаш учун ҳам олис-олис юртларга боришга тўғри келган.

Дунёга бир назар

— Янги йил арафасида телевизоримиз бузиллиб қолди, — дейди бир танишим, психолог Зебинисо Аҳмедова. — Уста қақаришга тўғри келди... Уста келиб, енг шимариб, телевизор қутисини оча бошлади. Бир пайт қарасак, қутининг орқасида уч-тўрт бурда нон ва ушоқлар ётибди. Хайрон қолдик...

Уйдагилардан суриштириб билсак, бу ишнинг "қаҳрамони" хонадонимизнинг митти маликаси — тўрт ёшли қизалоғимиз экан.

— Нега бу ушоқларни телевизор орқасига ташладинг? — деб сўрадик бир овоздан.

Давр ёшлар нигоҳида

У қўрқиб кетганидан йиғлаб юборди. Юпатиб, саволни такрорладик.

— Мен телевизорда оч қолган болаларни кўрсатишганида уларга нон бергандим... — деди кўз ёшини артиб.

Дарвоқе, бир неча кун аввал телевизорда дунёнинг қайсидир бир четида уруш-жанжаллар, қурғоқчилик туйфайли хор-зорликда, абгор шароитларда, оч-наҳор яшаётган одамлар ва уларнинг жабрдийда болалари ҳақида жуда таъсирчан кўрсатув намоиш этилгани эсимизга тушди. Қизалоғимизнинг жавобидан эса ҳаммамиз қаттиқ таъсирландик. Болаларимизнинг бахтиёр тақдир, фаровон турмушимиз учун шукрлар айтдик.

...Ҳа, инсон ўзининг тинч-тоғув, фаровон ҳаёт кечиравётганини базан эсдан қачқариб қўяди. Гўё, ҳаммаси табиий, шундай бўлиши керакдек ҳис этади. Бироқ бугунги дунёга озгина назар солган одам айрим юртларда ростдан ҳам тинчлик ўрнатилмаётгани одамлар бахт, осоийишалик нималигини, болалар эса боғча, мактаб, ўқиш, юксак

ютуқларга эришиш нимагини билмай ўтаётганига амин бўлади ва турган гапки, ўз ҳаётидан рози бўлиб, шукроналар айтади.

Миллий ғурур

Ижтимоий тармоқлардан бирида яхшигина лойиха бор: хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбек ёшлари видео-табрик йўллашдади. Кимлиги, қандай қилиб ўша нуфузли олий ўқув юртига ўқишга киргани, қандай ютуқларга эришаватгани ҳақида гапириб беради.

Ҳавас қиласиз. Энг ривожланган, қудратли давлатлар билан бирга, номи ҳаёлигизга келмаган мамлакатларнинг энг зўр университетларида, тагин бошқалардан кўра яхшироқ ўқийдиган бу йигит-қизларнинг ёши мустақиллик билан тенгдош.

Ўйлайсиз: бир маҳаллар ўзбек йигит-қизлари нега асосан қишлоқ хўжалиги, муаллимлик ёки шиғоҳорликка ўқиган? Кибернетика, ахборот технологиялари, менежмент, маркетинг, умуман, замонавий фан ва соҳаларда ўқишга талаб бўлмаганими?

Истиклолнинг йигирма беш йиллик тарихи халқимизни қанчалик ўзгартирган, тафаккуримизни янгилаган бўлса, орзу-умидларимизни ҳам шунча бойитди, миллий ғуруримизни юксалтирди, имкониятимизни оширди, дунёқараш ва дунёқозарлигимиз харитасини кенгайттирди.

Ж.КЕНГБОВЕВ 1985 йили туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан "Қўнча белбоғ" номли хикоялар тўплами чоп этилган.

Бошланиши биринчи саҳифада.

"Алишер Навоий. Икки жилдли қомусий лугат" наشري мустақиллик даврининг буюк шоир ижоди-га бағишланган ҳам мазмунан, ҳам шаклан тузлиги-ши, мақолаларнинг оригиналлиги, шоир ижодига янгича ёндашилгани, истилоҳларнинг шарҳлангани билан диққатни тортади.

Ушбу нашрнинг "Алишер Навоий. Қомусий лугат" наشري ҳақида" қисмида "бош мақолада Алишер Навоийнинг шахсияти, ҳаёт йўли, илмий ва адабий мероси, қўлёзмалари, Навоий ижоди ва адабий алоқалар, Навоий ижодининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши, Навоий асарлари наشرлари, буюк мутафаккир ижодининг Шарқ адабиётига таъсири каби масалалар ёритилади", деб таъриф берилган. Бош мақола муаллифлари филология фанлари докторлари, профессорлар Ш.Сирожи-динов ва А.Эркиновнинг "Навоий феномени" атамас орқали фикр-мулоҳазаларини баён этиб беришлари мазкур қомуснинг яна бир оригинал-лиги. Навоийнинг буюклигини кўрсатувчи янгича услубдир. Масалан, бош мақолада "Алишер Навоий катта мол-мулк эгаси бўлган. У 1481 йили ўзининг бор мол-дунёсидан воз кечиб, хайрия, яъни вафқ мулкни ташкил қилади. Ушбу мулкдан тушган даромаднинг катта қисми таълим муассасалари, мусофирхоналар ва дарвишлар, қаландарлар, камбағал-муҳтожлар, етим-есирларнинг эҳтиёжини қоплашга қаратилади, бошқа бир қисми эса илм-фан ва адабиётни ривожлантиришга сарфланади. Навоийнинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар илмий фаолият олиб бордилар, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилди, тасвирий санъат усталарининг ишлариغا алоҳида эътибор қаратилди. Хиротда Навоийнинг шахсий ташаббуси ва маблағи билан Халосия, Шифоия, Низомия каби бир неча мадраса ва хонаҳоқ қурилиб, уларда машҳур олимлар дарс бериш ҳамда илмий-тадқиқот билан шуғулландилар. У даврда риёзиёт, илми нуҷум, ҳандаса, мантиқ, фикҳ, ислом тарихи ва бошқа соҳаларга оид кўплаб асарлар яратилди. Халқ ғамини ейиш ва илм ҳамда санъат ахлларига ҳомийлик қилиш Алишер Навоий феноменининг яна бир қиррасидир", дейилган.

Бундан ташқари, Навоий феноменининг бошқа қирралари: "унинг файласуф ва мутафаккир эканлиги", "улкан шоир ҳамда туркий адабий тилини

бадий ижодда юксак такомилга етказган ижодкор сифатида намоён бўлганлиги", "фақат мустақиллик шарофати билан Алишер Навоий феноменини тўлиқ ўрганиш ва тадқиқ қилиш, ёш авлодга аслидагидек етказиш имкони" туғилгани таъкидланар экан, ҳар бир банд батафсил таҳлил этилиб, илмий исботлаб, ўқувчиға содда, аммо юксак илмий услубда етказилганки, бу ҳам нашрнинг муҳим янгилигидир.

Юртбошимизнинг **"Тарихга, меросимизга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозим, яъни дарсликлардан тортиб оддий китобларгача ҳаммасида ҳақиқат ёзилиши шарт. Бу бизнинг ота-боболар олдидаги қарзимиздир"**, деган фикрлари ушбу нашрда мавзу доирасида ама-

НАВОИЙ МЎЪЖИЗАСИ

лий татбиқини топган, десак янглишмаймиз.

Куйида "Алишер Навоий. Икки жилдли қомусий лугат"нинг биринчи жилдидан бир неча мисолни намуна сифатида келтирмақчимиз. Аввалги лугатларда бундай тушунчаларнинг номини тилга олиш маън этилган, ҳатто улар ҳақида ёзиш тугул сўзла-шиш ҳам мумкин эмасди. Мана шу тушунчалар ва уларнинг шарҳи.

ИСО ИГНАСИ — Исо пайгамбар ҳаётига боғлиқ тимсол. Ривоятга кўра, Исо(а) осмонга кўтарилганда, эргашига игна илашиб қолганлиги учун илоҳий ҳукмга кўра жуда ҳам юксакликка чиқолмай тўртинчи осмондан жой олган. И. и. дунёга боғланиб қолишлик офатининг нишониси сифатида ирфоний шеърятда кенг қўлланилган (Навоийнинг "Фавойид ул-кибар"идан бир байт келтирилган).

ИСХОҚ — пайгамбар. Иброҳим Халилulloҳ(а)-нинг Сорадан кўрган ўғли. Унинг Ийс ва Яъқуб исмли ўғиллари бўлган. И.нинг дуоси туфайли Ийс авлодидан султонлар, Яъқубдан пайгамбарлар чиққан. Юсуф алайҳиссалом Мисрда азиз бўлган йили И. 180 ёшда оламдан ўтган. "Тарихи анбиъ ва ҳукамо"дан И. ҳақида алоҳида фасл ўрин олган.

ИСҲОҚ БИН ИБРОҲИМ ҲАММОЛ — "Насойим ул-муҳаббат"да тилга олинган тасаввуф шайхи. Аб-доллар ва зоҳидлар макони бўлмиш Луком тоғида яшаган...

Мазкур нашрдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкинки, Навоий ижодига бағишланган аввалги нашр ва лугатларда бу мазмунда берилган шарҳ намунасини кўриш амри маҳол.

Буюк мутафаккир ижодий меросини холисона тадқиқ этишда ушбу нашр жуда қўл келади, десак янглишмаймиз. Бу нашр келгусида ёшларнинг Навоий ижоди тадқиқиға дадил қилиб бориши, ундан имкон қадар унумли ва самарали фойдаланиб, буюк шоир асарлари ҳақидаги илмий ишларини юксак аниқ фактик маълумотларга таянган ҳолда олиб бориши шубҳасиз.

Лугатдаги ҳар бир мақола, ибора ва жумлада адабиётнинг ижтимоий вазифасини Навоий даври адабиётида бўлган талаб, андоза, адабий-фалсафий мезон билан баҳолаб қаралгани ҳам янгича ёндашувни яққол кўрсатиб турибди.

Мазкур нашр Ўзбекистонда навоийшуносларнинг янги авлоди — ёшлар, шоир ижодиға садоқат билан ёндашадиган олимлар, янгича тафаккур, мезон, интилиш пайдо бўлганини ҳам намоён этди. Бир гуруҳ ана шундай фидойи тадқиқотчилар

улуғ шоир меросининг ўрганилишиға бугунги кунгача ҳисса қўшган олимларнинг меҳнатини объектив ёритиб берганлар. Чунончи, О.Давлатов бошчилигидаги навоийшунослар А.Эркинов, Э.Очилов, К.Муллаҳўжаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева, И.Исмоилов ва ижодий гуруҳнинг бошқа аъзолари нисбатан қисқа вақтда қомусий лугатдаги 3000дан ортик мақолани тайёрлаб, китоб наشريға ҳисса қўшдиларки, бу иш чиндан-да тахсинга сазовордир.

Нашрдан жой олган ва "Илова"да келтирилган "Фойдаланилган адабиёт", "Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар", "Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятиға доир асарларнинг қисқача тавсифи" остидаги маълумотлар улуғ шоир ижоди бўйича илмий-тадқиқотчилар, диссертантлар учун кўмак берувчи, чуқур, машаққатли меҳнат эвазига тузилган маълумотларки, бу ҳам лугатнинг Навоий ижодини тадқиқ этиш учун ўзига хос бебаҳо манба эканлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда машҳур файласуф Р.Декартнинг куйида фикри ҳам бу каби лугатларнинг беқиёс аҳамиятини яна бир бор таъкидлайди: "Сўзларнинг маъносини очиб беринг, шунда сиз инсониятни янглишишларнинг ярмидан халос қилган бўласиз".

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Болалар учун асар ёзиш осон бўлмаганидек, таржимаси ҳам енгил эмас. Зеро, болалар адабиёти таржимасида бошқа миллат болалари нутқ хусусиятларини чуқур ҳис этиш, талаффуздаги ўзига хосликни таржимада ёқимли тарзда ифодалай олиш муҳим. Куйида таржима санъатининг масъулияти ҳақида таниқли шоир ва таржимон Турсунбой Адашбоев ижоди мисолида фикр юритмоқчимиз.

Турсунбой Адашбоев ўғирган ўнлаб асарларни ўрганиш, аслиятни ўзбекча-си билан қиёслаш жараёнида бир нарсга эътиборимизни тортди: бу ижодкор таржимаға шеър танлашда кичкин-той ўқувчининг руҳиятини, яъни бор-лиққа беқиёс қизиқувчанлигини, нозик идрок этиш қобилиятини, табиати би-лишга ҳиссий интилишини яхши ҳис

ганида ҳам таржимон жонли сўз ва иборани қўллади. Агар осон йўлдан бориб, одатдагидек "саломат бўлинг" иборасини ишлатганда, натижа кўнгилдагидек чиқмасди.

Ўзга тилда кичкинтой китобхонларга аталган қувнок, ёқимли, эсда қо-ларли образларни қайта яратиш санъа-тиға Корней Чуковский асарлари тар-

асарнинг номини кўрсатиш мумкин. Ушбу бош сўз сюжет ривожига кўп тақ-рорланади ва кўнғироқчадай ёқимли жаранглаб туради.

"Айболит" — бош қаҳрамоннинг исми. "Ай" — бу ёш боланинг оғриқдан кўрқишни аңлатувчи товуш, "бо-лит" эса "оғриятти", деган маънода. Демак, "Айболит"нинг сўзма-сўз таржимаси — "Вой, оғриятти". Аммо Чуковскийнинг сеҳрли қалами билан бу товуш ва сўзларга яна икки сўз қўши-либ, фразеологик бирикма ҳосил қилинган: "Добрый доктор Айболит". Эпитет шаклидаги бу ибора ёқимли маъно касб этиб турибди: раҳмдил шифокор Айболит. Асар бош қаҳра-

ортаси оғриб қолгудек бўлса, бува ёки буви гўдак атрофида парвона бўлиб, одатда, ўзларининг меҳрибон-ликларини, ғамхўрликларини "Вой жоним-ей", дея изҳор этади, яъни: "айланайин-ей, сен оғригунча, мен оғрисам бўлмайдим", деган маъно-да. Т.Адашбоевнинг таржимасидаги

Таржима — юксак санъат

"Дўхтир Войжоним"да айнан мана шу маъно мужассам.

Тўғри, Войжонимнинг меҳрибонли-ги — бу, аслида, Айболит меҳрибон-лигининг мисоли кўзгудаги акси. Аммо бу маъно К.Чуковский қаҳрамо-нининг исмидан эмас, юқорида таъ-кидлаганимиздек, эпизетдан келиб чиқади, асар мазмунидан аңлана-ди. Таржимон эса ғояни шеърнинг сарлавҳасидаёқ бир сўз билан ифо-далаган.

Кўриб турганимиздек, Т.Адашбоев-нинг адабий қаҳрамон учун исм тан-лаш(аниқроғи, исм яшаш)дек муҳим ишға эътибори К.Чуковскийникидан кам эмас. Айни пайтда, таржимон сўз яшаш учун аслиятда қўлланган усулни маълум даражада ривожлан-тирган, дейиш мумкин.

Т.Адашбоев таржималарида асли-ятнинг шакл хусусиятларига, жумла-дан, ритмиға, уни ташкил этувчи му-ҳим унсурлардан бири — банд қури-лишиға ҳам жиддий эътибор беради. Масалан, уч тўртлик ва якуновчи ик-киликдан иборат "Лялечка" (А.Барто) шеъри композицияси билан сонет-га ўхшайди. Маълумки, сонетда қофия таҳими ва жарангдорлигиға алоҳида аҳамият берилди. Таржима-да қофиялар силсиласи-ю жаранг-дорлиги аслиятға айнан яқин, пишиқ, пухта чиққан.

Тўғри, Т.Адашбоев таржима қилган асарларнинг барчаси ҳам рисолада-гидек силлиқ, бекам-кўст чиққан, дея олмаймиз. Масалан, "дарпарда" ("Р" ҳарфи), "почапўстин" ("Дўхтир Войжоним") каби сўзлар бола тилиға хос эмас. "Ювин, дўмбоғим"даги "мўркончи" сўзини эса катталар ҳам лугат ёрдамсиз тушунамасалар керак.

Аммо бу каби айрим сўзлар ҳассос шоир қаламидан чиққан таржима асар-ларнинг умумий қимматини асло ту-ширмайди. Дарҳақиқат, юқорида тилға олинган таржималар Турсунбой Адаш-боевнинг бошқа асарлари қатори ўзбек болалар адабиётини ҳазинасини бойитди, кичкинтойларнинг китоб жа-вонидан муносиб ўрин олди.

Қодиржон НОСИРОВ,
Наманган давлат университети
доценти

Китобдан яхши дўст бўлмас

"МАРЛО ВА ШЕКСПИР"

Таниқли адабиётшунос олим Муҳаммад-жон Холбековнинг кўп йиллик илмий-ижодий изланишлари самараси ўлароқ майдонга келган "Марло ва Шекспир" китоби ("Наврўз" наشريёти, 2016) бир неча салмоқли тадқи-қотлар, долзарб мавзу ва муаммоларға ба-ғишланган мақолалар ва ҳозиржавоблик би-лан ёзилган тақризлардан таркиб топган. Улар, аввало, юқори савияда битилгани, мазмундорлиги ва қизиқарлилиги билан ўқувчилар эътиборини тортади.

Жумладан, жаҳон адабиётининг буюк на-мояндалари бўлмиш Марло ва Шекспирға бағишланган, китобда салмоқли ўринни эгаллаган тадқиқот чуқур илмий-мантиқий далиллар ва таҳлилларға асослангани билан алоҳида ажралиб туради. Муҳими, муаллиф бу икки сўз санъаткорининг нодир истеъдодини ва бетакор ижодиға хос ёрқин жиҳатларини кўрсатиб берган. Шу билан бирга, Шекспир даҳоси билан боғлиқ турли хил қарашларға ҳам муносабат билди-риб, бу борада ўзининг холис фикр ва хулосалари билан китобхон-ларнинг мавзуга доир тушунча, тасаввурини бойитади.

Машҳур адиблар ҳаёти ва ижодини ўрганишдаги илмий холислик ва мантиқий изчиллик, таҳлил ва умумлашмаларнинг теранлиги китобдаги бошқа тадқиқот, мақола ва тақризларда ҳам яққол кўзға таш-ланиб туради. Чунончи, Данте, Вальтер Скотт, Бальзак ва Эрнест Хе-мингуэй сингари ўнлаб забардаст сиймоларға бағишланган тадқиқот ва мақолалар бугунги адабий-эстетик тафаккур ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиздир.

Китобнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, унда таҳлил этилган асарларнинг номлари ва кўплаб характери ибора-лар, атама ва истилоҳлар бир неча тилда, яъни инглиз, немис, фран-цуз ва рус тилларида ҳам келтирилиб, изоҳлар билан таъминланган. Бу эса мазкур асарларнинг мазмун-моҳиятини тушунишға ёрдам бе-риши билан бирга, айни пайтда ўқувчиларнинг филологик билимини оширишға ва кенгайтиришға хизмат қилади.

"Марло ва Шекспир" тўплами китобхонларни жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан яқиндан таништириш билан бирга, адабий факт ва ҳодисаларни ўрганишда санъат ва адабиётшуносликнинг та-лаб ва мезонларига асосланиш қанчалик мақсадға мувофиқ эканини намоён этгани билан ҳам эътиборға лойиқдир. Қолаверса, бундай ки-тоблар иқтидорли ёш тадқиқотчилар, талабаларнинг илмий-ижодий изланишларида ишончли манба бўлиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Усмонжон ҚОСИМОВ,
филология фанлари номзоди,
Жиззаҳ давлат педагогика институти доценти

АҚЛ-ИДРОК ТАРАННУМИ

Хоразм энг қадимий тамаддун марказла-ридан бири бўлгани тарихдан маълум. Шоир Комил Хоразмий (Комил Жуманиёзов)нинг яқинда нашрдан чиққан "Буюк Беруний" аса-ри ("Тафаккур қаноти" наشريёти, 2015) ав-валги асарларнинг мантиқий давоми. Айтиш жоизки, муаллиф аввалги дostonда қўллаган тасвир усулларини бу асарда деярли тақ-рорламайди.

Даҳо ўз-ўзидан тафаккур майдонига чиқ-майди. Даҳонинг умр йўли ҳам силлиқ кеч-майди. Муаллиф Берунийнинг мураккаб ҳаёт йўлини тасвирлашда кўпгина илмий манба-лардан ҳам унумли фойдаланган. Дostonда ақл-идрок тантанаси босқичма-босқич талқ-ин этилади.

Аллома тўғрисида насрий, драматик, шеърый асарлар кўп ёзил-ган. Уларнинг айримларини ўқувчи тушунишға қийналади. К.Хо-размийнинг "Буюк Беруний" дostonи тилининг соддалиги билан ажралиб туради. Муаллиф архаик сўзлар ва ифодалардан фой-даланмаган. Берунийни бугунги тилда гапиртирган. Ички руҳий ҳолатлар тасвири ҳам ишонарли чиққан. Аллома нафақат ноёб қобилият, балки метин иродаға эга эканлиги ҳар лавҳада ўз ифо-дасини топган. Асарда Абу Али ибн Сино қиёфаси ҳам акс этти-рилган. Ибн Сино билан Берунийнинг қай тарзда танишгани, Бе-рунийнинг Хоразмға қайтиш лавҳаларини муаллиф ишонарли тас-вирлайди.

Дostonда Маъмун академиясининг ташкил этилиши, алломалар-нинг самимий муносабати тарихий фактлар асосида битилган. Му-аллиф Беруний шеърларидан, асарларидан унумли фойдаланган.

Маълумки, Беруний ҳинд мулкни кезиб, олимлар билан суҳбатла-шиб, дурдона асари "Ҳиндистон"ни яратди. Мен бу асарни талаба-лик чоғларимда ўқиб ҳайратланганман. Ҳиндшунос бўлганим боис ай-нан шу асар қўлимдан тушмайди. Ҳар гал ўқиганимда янги маънилар кашф этаман.



Юзак қараганда, "Буюк Беруний" дostonи соддароқ ёзилгандек туюлади. Аммо дoston матни тақатламларида теран мазмун яширин-ганини илғаш қийин эмас. Муаллиф тарихий воқеаларни тасвирлар экан таъсирчан бадий воситаларни қўллади. Чунончи, Беруний моно-логида алломанинг эзгулиги билан ёвузлик ўртасидаги кураш нақа-дар кескин кечилиши тушунтирган ўринлар фикримизни тасдиқлай-ди. Истиқлол даврида Беруний сингари алломаларимизнинг умла-ри эъзозланаётгани, уларнинг ёрғу излари, қутлуг мероси нотули-маслиги бунёдкорлик ишларидан ҳам аён-дир. Дoston хотимасидаги куйидаги мисралар шу маънода эътиборға молик:

Ҳар даяфа метроға тушган талаба,
Қалбида зўр ҳавас қилгай тантана!

Дарҳақиқат, Тошкент метросида Беруний номидаги бекат бор. Шу метродан талабалар чиқишади ва дорилфунун сари одимлайдилар. Бунда чуқур рамзий маъно бор.

Абдулла Қодирийнинг "Мозийға қайтиб иш кўришлик хайрли дей-дилар", деган гапи бежиз ҳикматға айланмаган. Зеро, шонли тарихи-мизни ўрганиб, буюк алломаларимиз ҳаёти ва меросини қадрлаган авлодлар онги ва шурида ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳиссиёт-лари жўш уриши тайин. "Буюк Беруний" дostonида муаллиф назарда тутган мақсад-муддао ҳам аслида шу.

Амир ФАЙЗУЛЛА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



жималарида ҳам гувоҳ бўламиз.

К.Чуковскийнинг уйинқароқ болалар-нинг феъл-атворига хос шўх-қувнок, енгил услубда битилган асарларида сўзлар мисоли тойчоқдек сакраб, қувлашмачоқ ўйнайди, қофиялар чакнайди. Қаҳрамонларнинг бундай хатти-ҳаракатларини тавсифлаш учун Т.Адашбоев таржимада, масалан, "Ҳамма нарсга ўмбалок, тинмай ошар дўмбалок" ("Ювин, дўмбоғим" шеъри-дан) каби болалар осон тасаввур эта оладиган содда ибораларни ишлатади.

Албатта, таржимон маҳорати асар-нинг умумий ғоявий мазмуни, руҳини бера билишда кўринади. Қолаверса, таржима савияси, биринчи навбатда, аслият матнидаги асосий маъно-ғоя ташувчи таянч лексик бирикларни ўғирлашда намоён бўлади. К.Чуковский-нинг "Айболит" шеърини шундай таянч сўзлардан бири сифатида мазкур

монининг тавсифи унинг исмида эмас, исм иштирокида ясалган эпитетда мужассам.

"Айболит" шеърини Т.Адашбоев таржимада "Дўхтир Войжоним" деб номлаган. Демак, ўзбекчада асар қаҳрамонининг исми *Войжоним*. Тўғри таржимами? Бунда ҳам икки сўз бири-кувини, яъни қўшма сўзини шеърнинг сарлавҳасидаёқ кўриб турибмиз: "вой", "жоним". Биринчиси русча "ай"ға му-қобил, лекин иккинчиси, гарчи маъно-си "оғриқ" бўлса-да, сўзма-сўз асли-ятта мос эмас; яъни "жоним"нинг рус-чаға таржимаси "душа моя", "душень-ка" бу катта ёшдагиларға, қарияларға хос ибора. Қолаверса, бу тан оғриғи-ни эмас, жон оғриғи, изтиробни аң-латади.

Т.Адашбоев таржимасида эса "войжоним"ға бундан-да бошқароқ маъно берилган. Набиралардан би-

Укасига ўргатиб
Таъкидлайди: рақ, аяқ,
Сергей эса хўрсиниб,
Тақорлайди: йақ, аяқ.
Ёки русча "будь здорова" ибораси-ни ўзбекчаға "минга киринг" деб ўғи-р

Вақтни йилларга, ойлар, кунлар, соатлар, дақиқаларга бўлиб, ҳаётимизга аниқлик киритиб берганлар жуда ақлли одамлар бўлишган. Лекин одам вақтга қараб иш қилмаслиги керак. Агар шундай бўлса, эрта қариб қолиш ҳеч гапмас.

Яқинда ойнага қараб туриб анча улғайиб қолганимни сездим. Ахир, етмиш йил ҳазилакам гап эмас-да. Шунда ўзимга-ўзим "Жавлон, катта одам бўлиб қолибсан, қачонгача ўзингни йигитлардек тутасан?" дедим. Чунки ҳозир ҳам характеримда ёшлик шижоати, болаликнинг шўхликлари бор. Очиғи, савол берганим ҳамона, ҳали-бери кексаликни бўйнимга оломаслигимни сездим. Сабаби, ёшлиқда ақлдан кўра юрак гупиллаб уриб туради. Айнан юрак туғёнлари жўш урган пайтда ўзингиз билиб-билмаган ҳолда яхши асарлар яратасиз. Шу вақтгача учрамаган ўзига хос суратлар дунёга ке-

Жавлон УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми

ЭРТАГА ЯНА ҚУЁШ ЧИҚАДИ



лади. "Навоий ва Бойқаро", "Инсон тафаккури", "Менинг дўстим", "Тут пишганда", "Куй"... суратлари шу тарзда дунёга келган.

Эсимни таниганимдан буён чизаман, нима чизишимнинг аҳамияти йўқ. Агар фақуллода бир ҳолатларни ҳисобга олмаганда, бирор кун йўқки, қўлга мўйқалам олманган бўлсам. Ўзи рассомликнинг асоси шу — чизиш, фақат чизиш. Кейин болаликдан кўп ўқиш, кўпроқ билим олишга интилиш, қалбни тарбиялаб бориш ҳам асосий талаблардан. Агар ижодкор чин дилдан ижод қилиб, изланмаса, оддий хунарманд бўлиб қолади.

Рассом чизгилари орқали одамлар билан сўзлашади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, институтга киргач, ўзимга "Хўш, энди нима қилмоқчисан, одамларга нима демокчисан?" деган саволни бердим. Шу вақтгача ҳар бир асар устидан иш бошлаганимда, ана шу савол миямда айланаверади. Чунки рассом асарларини ҳамма ҳам тушунавермайди. Балки баъзи ижодкорлар шу сабабли тайёр маҳсулотни, яъни аниқ чизилган воқеаликни одамларга тақдим этишар. Мен эса сирлиликни, мавҳумликни, "қоса тагида нимқоса яширинган" ҳолатларни маъқул кўраман. Одамлар суратдан завқ олади ва айни пайтда рассом нима демокчи экани ҳақида бош қотиради. Ана шу жараён ёқайди менга. Агар асаринг одамларнинг ақлини, ҳис-туйғуларини кўзгатмаса, у санъат бўлолмайди.

Санъат гала-говурни, бесаранжомликни ёқтирмайди, аксинча, ёлғизликни, тинчлик-хотиржамликни севади. Ёзувчи-шоирлар, янглишмасам, аксарият кечаси, тунда ижод қилади. Рассомларга эса кўпроқ кўёш нури, ёруғлик керак. Энг асосийси — кўнгил хотиржамлиги...

Ҳақиқий санъат асари дунёга келиши мураккаб жараён. Одамнинг интилиб яшаши учун ҳаракатлантирувчи куч керак. Ижодкор ҳеч қачон билимини, дунёқарашини бойитиб боришдан тўхтамаслиги, ҳамиша нимагадир эҳтиёжманд бўлиб яшаши керак. Агар одам умр бўйи коммуналка интилиб яшаса, ўзидаги қандайдир камчилик, етишмовчиликни ҳис этиб туради...

Назаримда, ёшлик ўзининг шўхликлари, тизгинсиз хаёллари билан

гўзал. Ҳар ҳолда, ижодкорда ёқимли шўхлиқлар бўлгани маъқул.

Баъзи ёшлар асарларида тақлид-ни кузатаман. Тўғри, биз ҳам ижодни бошлаганимизда устозларга тақлид қилиб суратлар ишлаганимиз. Лекин тақлидни ўз вақтида тўхтатиш, кўчирмакашга айланиб қолмаслик керак. Сурат чизаётганда унинг сотилиши ҳақида ўйлаш ижодкор учун номуносиб иш. Унинг ўрнига шу асаринг билан одамларга қандай фикр бера оласан, уларга нима демокчисан, шу ҳақда ўйлаш лозим.

Бугун ижод ҳақида, айниқса, ёшлар фаолияти борасида ўйлаганимда санъат танқиди, таҳлили

Кўнгил кўзи

бажариш мумкин бўлган ишларни қозғога тушириб қўяман.

Эртага яна қуёш чиқади. Демак, режани амалга ошириш имкони бор.

Китобсиз, мусиқасиз, кино-театрсиз яшаб бўлмаганидек, суратларсиз, яъни тасвирий санъат асарларисиз ҳам яшашнинг имкони йўқ. Санъат асари инсон руҳини кўтаради, диди, маънавиятини ўстиради, унда ҳаётга қизиқиш уйғотади. Санъатдан бебаҳра одамда қалб қашшоқлиги вуҷудга келади...

Ҳар бир рассомнинг ўзи ва муҳлислари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши катта имтиҳон. Масалан, мен ҳар ўн йилда ретроспектив сарҳисоб кўргазма қиламан. Бунда эски ишларимдан энг сараларини танлаб олиб, ёнига янги асарларимни қўяман. Ана шунда ижодкорнинг кимлиги, нима-

ларга қодирлиги аён бўлади.

Яна бир гап. Устоз — санъатдаги ота-онамиз, ижодимиздаги ҳал қилувчи куч. Чунки устоз қандай тарбияласа, ижодкор шундай шаклланади. Устозларнинг яна бир хизмати ўзи сезмаган ҳолда шоғирдига ҳаётдан сабоқ беришидир. Масалан, устозим Чингиз Аҳмаров ҳаёти ҳақида, ижоди ҳақида кўп нарсаларни сўзлаб берарди ва уларнинг баридан олган сабоқларим ҳамон асқотиб келади. Дўстларим, истеъдодли шоғирларим ҳам менга устоз. Атрофдагилардан кўп нарсаларни ўрганаман.

Ёшинг катталашгани сайин атрофингдаги яқинларинг қамайиб, юрагинг бўшлиқ билан тўлаётгандек туюларкан. Худди ён-атрофинг жим-жит, сенга нималардир етишмаётгандай...

Кейинги пайтларда хотирага, аниқроғи, таржимаи ҳолга ўхшаш бир нарса ёзмақчи бўлдим. Шунда сўрайдиган нарсалар борлиги маълум бўлди. Атрофимда уларни билладиганлар қолмабди. Нимага вақтида сўраганимга афсусландим... Лекин барибир ёзишим керак, ёзаман. Фақат бунинг қандай тарзда бўлиши ҳақида бирор нарса деёлмайман.

Назаримда, бугун умримнинг асосий довопларидан бири олдида турибман. Хўш, шу вақтгача қилган ишларим билан қолишим керакми ёки яна нималардир қилишга кучим етдими? Ички бир овоз шундай дейди: "Ижод, ижод, ижод билан шуғуллан, бекор қолишга ҳаққинг йўқ! Сен — рассомсан. Чиз, ишла, излан..."

Шубҳасиз, бу борада фақат оилага суяниш мумкин. Рассомнинг, умуман, ижодкор одамнинг характери оғир бўлади. Айниқса, мен эски шаҳарликман, болалигимдан шўх бўлганман, устига-устига қизиққонлигим, ўжарлигим, маслаҳатларга қўлқол соймайдиган одатларим бор. Буларнинг барчасига чидаб, менга мададкор бўлиб келаётган фақат ва фақат — оилам. Оилада макеинг қанча баланд бўлса, бундан гурурланиб, манмасираб кетиш нотўғри. Чунки бу тахтга сени оила чиқариб қўйган. Аёлинг, жонингдан пайдо бўлган фарзандларинг, невараларинг умрингни мазмунли қилади. Мақтовлар, шон-шувратга оилани алмаштирмаслик керак.

Гулчехра УМАРОВА
ёзиб олди

Севара беш ёшлигидаёқ ҳар куни боғча опалари ёрдамида ёд олган шеър ва қўшиқларни дедаси билан бирга такрорлаб, уларни хонадонлари деворида осмиғик дутор, рубоб ёрдамида қўйга солишарди. Баҳодир ака болалигидан санъат шайдоси бўлганиданми, кенжа фарзандининг қизиқишини астойдил қўллаб-қувватлади. Гўзал ва ҳавас қилгудек оилавий муҳит сабаб Севаранинг қалбида санъатга, айниқса, миллий мусиқа наволарига иштиёқ кун сайин ортиб бораверди.

Мактаб ёшига етганида С.Фозилжонов Асака туманидаги умумтаълим мактабда таҳсил олиш билан бирга 11-болалар мусиқа ва санъат мактабининг дутор синфиди мусиқадан дастлабки сабоқни олди.

ЗАМОН ТЕАТР ТАҚДИРИДА

Мустақиллик — буюк неъмат. Унга дахлдорлик ҳисси барча юртдошларимиз қатори театр ижодкорларига ҳам бегона эмас. Зеро, узоқ тарих ва кечмишга эга ўзбек театри тамомила янги қиёфа касб этувчи йигирма беш йиллик довоини забт этди. Хўш, истиқлол театр ва санъаткор тақдирида қандай ўзгаришлар, муваффақиятларга сабаб бўлди? Ҳурлик замони бераётган имкониятлардан саҳна ижодкорлари қанчалик илҳом ва қувват олаётир? Таниқли театр ва кино актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин КОМИЛОВ билан суҳбатимиз айнан шу хусусда бўлди.



— Эркин ака, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳар бир ватандошимизни ҳаяжонга солиб, фикр-мулоҳаза, муносабат билдиришга қорлагани табиий. Эл ардоғидаги санъаткор сифатида сизнинг кўнглингиздан қандай ўйлар кечди?

— Йигирма беш ёш — инсон умрининг руҳан ва жисман камолга етиб, айни куч-қувват, ғайрату шижоатга тўлган палласи ҳисобланади. Бу ёш

сингдириши, соф ва беғубор, эртанамо оламда тарбияланиб, келгусида комил, маънан баркамол шахс бўлиб воёга етиши аниқ. Биз театр ижодкорлари эса ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи спектакллар яратишимиз лозим.

— Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган "Мирзо Улугбек" (М.Шайхзода асари) тарихий фожияси ижодий фаолиятингизда янги саҳифа очди, десак хато бўлмайди.

Албатта, буюк шахслар образини талкин қилиш актёрдан ўзгача руҳий ва жисмоний тадорикни талаб этади. Қолаверса, мумтоз асарларда давр ва муҳитни ҳис қилиш, ўтмиш воқеаликлари бошдан кечириш учун, муайян муддат бўлсада, мозиёга қайтмоқ лозим. Актёр сифатида Мирзо Улугбек образи устидида изланишларингиз биз учун қизиқ.

— Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, ҳали бу ёруғ олам Улугбекдек султонни кўрган эмас. Бугун буюк бобомизнинг фалакиёт илмига қўшган улкан ҳиссаси бутун ер юзидида эътироф этилаётгани фикримизни тасдиқлайди.

Ўтмишда яшаб ўтган улуг аждодларимизни саҳнада кўрсатиш имкониятига ҳам айнан истиқлол туфайли эришдик. Бир вақтлар устозим Шукр Бурхонов "Амир Темурни ўйнаш бир умрлик орузим эди, афсус, руҳат йўқ экан", дея хафақол бўлиб юрганини кўрганман. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидек мустақилликдан сўнг миллий қадрамонларимиз ва тарихий сиймолар бирин-кетин саҳналарда бўй кўрсатди. "Мирзо Улугбек" спектакли ҳам шу йўлдаги изланишлардан бири.

Яширмайман, ўзга шаҳарда, бошқа актёрлар жамоаси билан ишлаш осон кечгани йўқ. Репетицияларда бор ҳужайраларимни ишга солиб, бутун борлигим, вужудим билан образ характерини очиб, Улугбекнинг инсон ва олим сифатидаги фазилатларини инкишоф этишга астойдил ҳаракат қилдим. Премера куни чексиз ҳаяжон ва ҳадик билан саҳнага чиқдим. Спектакл поёнига етиб, гулдурас қарсаклар чалинганда меҳнатларимиз зое кетмаганини англадим. Самарқанд театридан олинган таасуротлар пўртанаси тарқамли туриб, янги бир лойиҳага қўл урилди. Эндикда режиссёр Олимжон Салимов худди шу асарни Миллий театр ижодкорлари билан ҳамкорликда саҳналаштирарди. Айни кунларда репетиция жараёни қизгин тус олган. Бу ерда ҳам Улугбек образини ўйнаяман. Умид қиламанки, Самарқанддаги спектаклдан фарқ қилувчи, қайтариқдан ҳоли янги саҳна асари дунёга келади.

— Сир эмас, республикамиз

театрларида мумтоз асарларга эътибор кучайди. Бир вақтлар халқимиз қалбини забт этган машҳур саҳна асарлари янги талқини кўримда саҳнага қайтди. Сизнингча, абадиятга дахлдор асарлар бугунги театр учун қанчалик зарур?

— Юксак мақсадларни кўзлаган ҳар бир театр репертуарида нафақат Шарқ, балки Фарб мумтоз адабиётига тегишли бирорта спектакл бўлиши шарт. Дунёнинг "манамен" деган театрлари ҳам биринчи навбатда классикага интилади.

Кейинги пайтларда театрларимиз замонавий ёхуд маиший мавзудаги томошаларга кўпроқ мурожаат қилди, натижада дурдона асарларни саҳналаштириш иштиёқи бирмунча сусайди. Шу мавсумдан эътиборан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан юртимиз саҳна ижодкорлари мумтоз асарларни саҳналаштиришга астойдил киришди. "Алишер Навоий" (Ўзбек миллий академик драма театри), "Лайли ва Мажнун" (Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри), "Сабаи сайёр" (Ўзбек давлат драма театри), "Дегонимни улусга марғуб эт..." (Ўзбекистон Рус академик драма театри), "Мирзо Улугбек" (Самарқанд вилоят мусиқали драма театри), "Амир Темур" (Бухоро вилоят мусиқали драма театри) каби саҳна асарлари халқимиз эътиборига ҳавола этилди. Бу йўлдаги изланишлар давом этаётир.

— Юқорида истиқлол театрга қандай имкониятлар бергани ҳақида фикрлашдик. Хўш, бунга жавобан театр нима бераётир?

— Театр ижодкорлари зиммасидаги энг улуг вазифа мустақиллиқнинг қадрига етадиган, ҳар қандай вазиятда уни ҳимоя қила оладиган, буюк аждодларимиз, бетимсол оталаримиз яратган бу улуг неъматни келгуси наслларга соғ-омон етказишга қодир бўлган замон қаҳрамонлари образини яратишдир. Йигирма беш йиллик қисқа тарих не-не ғалабалар, буюк зафарларга гувоҳ бўлмади! Иқтисодиёт, саноат, тиббиёт, фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда фаол меҳнат қилиб, жасорат кўрсатаётган, ҳар куни, керак бўлса, ҳар сония Ватан тараққиёти учун камарбаста бўлаётган фидойи юртдошларимиз, қаҳрамонларимизни саҳнада кўрсатиш биз театр ижодкорларининг бош мақсадиға айланмоғи лозим. Чорак асрлик ҳаётимизнинг шонли саҳифаларини театр солномасига муҳрлаш шу санъат теграсида юрган ҳар бир ижодкорнинг муқаддас бурчидир.

Шохрух АБДУРАСУЛОВ
суҳбатлашди

Истиқлол фарзандлари

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган "Наврўз садолари" қўповозли ансамбл ва оркестрлар фестивалида мусиқа мактаб-интернатининг "Шодиёна" камер оркестри жамоаси сафиди 2-ўринни эгал-

Шунингдек, "Маҳалланинг энг ораста қизи" республика тадбирида изланувчанлиги ва зукколиги билан ҳакамлар эътирофини қозониб, "Энг оқила қиз" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

С.Фозилжонов устози Зулфия Каюмовадан санъат сирларини ўрга-



лади. Ўша йили март ойида Россиянинг Владимир шаҳрида ўтган "Золотое кольцо" VII халқаро кўрик-танловда ўзбек миллий куйларидан "Роҳат"ни маромига етказиб, лауреат бўлди ҳамда Андижон санъат коллежининг халқ қолгулар ижрочилиги йўналишига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Ўтган йил ҳам Севара учун омадли келди. Ўш тахсил олаётган қоллежда Ўзбекистон халқ артисти Т.Жалилов таваллудининг 120 йиллигига бағишланган "Моҳир ижрочи" танловида биринчи, "Созлар навоси" кўрик-танловининг республика босқичида учинчи ўринни эгаллади.

ниш билан бирга спортнинг каратэ тури билан ҳам шуғулланади. Компьютер технологиялари ҳамда инглиз ва араб тилларини мукаммал ўрганиш учун астойдил ҳаракат қилаётган Севара бадий ижод билан шуғулланиб, қалам тебратиб туради. Она, Ватан, ёшлик, муҳаббат мавзуларидаги шеърлари газета-журналларда чоп этиб келинмоқда.

Севаранинг санъат соҳасидаги изланишлари муносиб баҳоланиб, шу йил санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлди.

— Келажаги буюк ва ёруғ юрда яшаётганимдан, юксак салоҳиятли

ёшларга яратилиб берилётган имкониятлардан фохрланаман ва гурурланаман, — дейди Севара. — Зулфия номидаги Давлат мукофотиға муносиб қўрилган зиммамга улкан масъулият юқлайди. Миллий соҳаримиз ривожига, айниқса, дутор садоларининг жаҳон узра кенг таралишига, она юртимнинг обрўсини янада оширишга ҳисса қўишни ният қилганман.

Миролим ИСАЖОНОВ
Андижон вилояти

ОҲАНГЛАРГА ҚЎЧГАН ОРЗУЛАР

8-синфдан бошлаб 7-мусиқа мактаб-интернати халқ қолгуларни бўлимида ўқишни давом эттирди. У ерда Нигора Бобожонова, Ҳаётбек Муҳидинов сингари маҳоратли ўқитувчилар кўмағида дутор чалиш сирларини кўн билан ўрганди. 2010 йили "Камолот" ЕИХ туман кенгаши томонидан ўтказилган "Менинг имкониятларим" кўрик-танловидиға муваффақияти уни янада кўпроқ изланишга, ўз устиди тимимсиз ишлашга ундади. Орадан бир йил ўтиб "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида қатнашди.

Истеъдодли қизалоқ 2013 йили

Хиндистонда юзага келган ва чатуранга деб номланган шохмат тўғрисида илк маълумотлар деври сақланиб қолмаган. Қадимги ҳинд эпоси «Махобҳорат»да тўрт хил қуроли куч-аравалар («ратха»), жанговар филлар («хаста»), суворийлар («ашва») ва пёдалар («падати») ташкил этган қўшинни англатиш учун «чатуранга» атамаси бир неча бор қўлланилади. Мазкур қўшиннинг 64 катакли тахта («аштапада») устидаги жангини рамзий ифодалаган ўйин номининг келиб чиқиши шундан тушунарли бўлади. Бироқ эпос милоддан аввалги VI-V асрларда таркиб топиб, милоднинг дастлабки асрларида санскритда ёзиб олинган. Санскрит адабиётида чатуранга ўйини ҳақидаги маълумот анча кейин қайд этилади.

Чатуранга ўйини ҳақида янада аниқроқ Қашмир шоирлари — Ратнакара (IX аср ўрталари) ҳамда Рудрата (IX аср иккинчи ярми) асарларида эслатиб ўтилган. Ўйиннинг Хиндистондаги ва бошқа Шарқ мамлакатлари қоидаларидаги айрим фарқлари хусусида

рас отни, байдақ пиедани билдиради.) Ушбу ўйин (шохмат тури) биз учун ноодатий бўлгани сабабли у ҳақда билганларимни айтиб ўтаман. Гап шундаки, бирга ўйнаётган тўрт киши (тахтанинг) тўртта бурчагида ўтириб олишади ва ўзаро галма-гал икки шашқолни ташлашади.

Шашқолдаги рақамлардан беш ва олти ҳисобланмайди, беш ўрнига бир, олти ўрнига тўрт олинади ва шу боисдан тасвирда ушбу икки рақам қуйидагича қўйилади:

6 5
4 3 2 1

Рақамларнинг ҳар бири сипоҳлардан бирининг юришига мос келади.

Бир — байдоқ учун ёки шох учун, улар (бизга) маълум шатранждаги каби юришади...

Икки — рух учун. У бизда шатранжда фил юргани каби диагональ бўйича учинчи катакка юради.

Уч — фарас учун, у одатдагидай ёнга оғишма ҳолда учинчи катакка юради.

риши мумкин бўлган айрим чизгилар билан чекланган.

Муаллифда учрайдиган, хусусан фил юриши тавсифидаги қарама-қаршиликлари, эҳтимол шу билан изоҳлаш мумкин. Даставвал, Беруний ўша пайтда фақат Хиндистонда маълум бўлган филнинг «беш бўғинли» юриши ҳақида сўз юритса, лавҳанинг охирида ушбу сипоҳнинг фақат бир катак юришини таъкидлайди, иккита рақиб учун ҳам ўйинда қўлланилган тарзда тавсифланади. Ўша пайтда фил рух каби юрар, рух эса шатранждаги фил сингари ҳаракатланарди. Беруний

Хиндистонда ҳам тўрт киши, ҳам икки киши ўйнаётган ҳолатлари кузатган. Чатурангада кураш галабагача, яъни муҳралар тамомила олингунга қадар давом этади. Шу билан бирга унинг қоидаларидан бирида мот гоёсининг куртаклари сезиларди...

Беруний диаграммасида сипоҳлар тўртта рангда эмас, иккита рангда (қизил ва қора сиёҳда) белгиланганлиги ҳам қизиқиш уйғотади. Агар чатуранга

ҳақиқатдан ҳам иккита рангли сипоҳлар билан ўйналган бўлса, бу иккита лашкарни бирлаштириш ҳамда ўйинни иккита рақиб учун ўйинга айлантиришга муайян имконият яратарди.

Беруний тавсифлаган ўйин шатранждан тасодифийлик унсури хали катта эканлиги билан фарқланади, чунки сипоҳлар юришлари ташланган шашқолларнинг кўрсаткичлари билан белгиланарди... Шу билан бирга ўйиннинг ҳарбий тимсолларида, бошқа айрим хусусиятларида шундай унсурлар бор эдики, улар кейинчалик шатранж(шатранж) — икки томон ёки икки рақиб ўртасида ўйин юзага келиш учун замин яратди.

Чатуранга қачон шатрангга айланган? Бу ҳол қачон, қерда ва қай тарзда юз берган? Мазкур саволларни ҳал этиш учун, афсуски, Беруний маълумот бермайди. Фақат тахмин қилиш мумкинки, Хиндистонда шатранж пайдо бўлгандан кейин ҳам параллел равишда чатуранга ўз мавжудлигини давом эттирган, зеро чатуранга халқ маданиятининг унсури сифатида қадимги ҳинд ўйинининг қоидалари ва хусусиятларини асрлар давомида сақлаб келди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шатранж ўйинининг тақомиллашуви ва оммалашуви бевосита мусулмон дунёси, хусусан Ўзбекистон ҳудуди билан боғлиқ, Афросиёбдан топишган милодий VI асрга оид шатранж муҳралари ҳам шундан далолат беради.

Берунийнинг «Хиндистон» китобидан юқорида келтирилган лавҳа, гарчи тўлиқ ва айрим ўринларда етарлича аниқ бўлмаса-да, чатуранганинг биринчи этнографик тавсифидир ва унинг аҳамияти ҳам худди шунда.

Анвар ИНОКОВ,
шахмат бўйича спорт
усталигига номзод,
санъатшунос

БЕРУНИЙ ВА ЧАТУРАНГА

араб шохматчиси ал-Адлий ўзининг «Шатранж китоби» рисоласида (тахминан 850 йил) маълумотлар беради.

Фақат Берунийнинг Хиндистон ҳақидаги асарида (XI аср бошлари) чатуранга тавсифи берилган ва ушбу тавсиф мазкур ўйин тўғрисида муайян тасаввур бера олади. Абу Райҳон Берунийнинг ушбу асари Хиндистонни ўн уч йил давомида ўрганиш натижасида ёзилган. Унда сайёрамиздаги энг қадимги тамаддун ўчоқларидан бирига хос ҳаёт ва маданиятнинг ҳар томонлама тавсифи акс этган. Муаллиф ўз замонасининг буюк гуманисти ва қомусий олими — астроном, математик, ботаник, геолог, географ, тарихчи, адабиётчи ва файласуф сифатида намоён бўлади. Тахминимизча, Берунийга шохмат ҳам нотаниш бўлмаган. Алломанинг ҳиндча чатуранга ўйинига, унинг шатранж (шатранж) ўйинидан фарқларига билдирган қизиқиши шундан далолат беради. Ўша даврларда шохмат ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида шатранж ёки шатранж деб аталарди.

Беруний асари ўз даврида Шарқнинг илмий тили ҳисобланган араб тилида ёзилган. Ушбу асар XX асрнинг 60-йиллари бошларида рус тилига таржима қилиниб чоп этилган. Ундаги чатуранга тавсифига доир матнни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ўйиндаги сипоҳларнинг барча номлари аслиятдаги атамалар бўйича қолдирилди.

«Шохмат майдонида улар филни пиеда сингари олдинга, ён томонларга фирзан (фарзин) каби бир катакка суришади. Улар айтишадики, ушбу катаклар фил мучаларининг — хартуми ва тўртта оёғининг қўйилиши учун жойлардир.

Шатранжни тўрт киши иккита шашқол билан ўйнайди...

(Кўлёмзада сипоҳлар номлари пастки чап бурчада ва устки ўнг бурчада қизил сиёҳ билан ёзилган (қолганлари қора сиёҳда). Бу ўринда фа-



унинг йўлида тўсиқ бўлади, шунда шашқоллардан бири у ҳаракатланиши учун тўсиқни йўқ қилади. У энг ози — битта катак, энг кўпи — ўн бешта катак олдинга юриши мумкин. Чунки баъзан икки шашқолда иккита тўртлик ёки иккита олтилик ёхуд олтилик тушади. Ушбу рақамлардан бирида фил, агар йўлида тўсиқлар бўлмаса, бутун узунлик бўйича шохмат тахтасининг четига боради.

Ҳар бир сипоҳ ўз баҳосига эга, чунки сипоҳлар олинади ва ўйинчиларнинг қўлида бўлади...

Келтирилган матндан аёнки, Беруний ўйин ва сипоҳлар номларини санскритча эмас, араб-форсча сўзлар билан белгилайди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, муаллиф ўйинни тавсифлашда мавжуд ҳинд манбаларидан эмас, ўз қузувларидан фойдаланган. Зеро, Беруний ўз тавсифида чатуранга ҳақида ҳар томонлама тасаввур бериш вазифасини қўймаган, фақат ўйиннинг мазмунини акс этти-

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги «2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган ўқув режаси ҳамда дастурларига мувофиқ санъат ва маданият соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида 2016-2017 ўқув йили учун қуйидаги БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ Йўналишлари ва МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ бўйича ўқишга таклиф этади.

I. БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ Йўналишлари:							
Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида		Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан: ўзбек рус	Жами	шу жумладан: ўзбек рус	
	ЖАМИ:	282	74	64	10	208	172
5111051	Касб таълими: халқ ижодиёти	25	10	8	2	15	12
5150200	Санъатшунослик:	20	5	4	1	15	12
5150203	Санъатшунослик: театршунослик	10	2	1	1	8	5
5150208	Санъатшунослик: кино санъати танқиди ва таҳлили	10	3	3		7	7
5150300	Актёрлик санъати:	60	15	13	2	45	32
5150301	Актёрлик санъати: драматик театр ва кино актёрлиги	30	7	5	2	23	10
5150302	Актёрлик санъати: мусиқали театр актёрлиги	15	4	4		11	11
5150303	Актёрлик санъати: кўғирчоқ театри актёрлиги	15	4	4		11	11
5150400	Режиссёрлик:	25	10	9	1	15	12
5150402	Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги	10	3	3		7	7
5150406	Режиссёрлик: кино ва телевидение режиссёрлиги	15	7	6	1	8	5
5151402	Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	6	2		2	4	4
5151500	Кино-телеоператорлик	6	2	2		4	4
5151600	Халқ ижодиёти:	70	15	15		55	55
5151602	Халқ ижодиёти: фольклор ва этнография	30	7	7		23	23
5151605	Халқ ижодиёти: ашула ва рақс	40	8	8		32	32
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	25	5	4	1	20	15
5151800	Санъатда анимациявий ва мультимедиявий лойиҳалаш	20	5	5		15	15
5610400	Ижтимоий-маданий фаолият	25	5	4	1	20	15

НУКУС ФИЛИАЛИ - ҚҚ					
		38	13	13	25
5150302	Актёрлик санъати: мусиқий театр актёрлиги	12	4	4	8
5150405	Режиссёрлик: мусиқий театр режиссёрлиги	6	2	2	4
5151402	Техноген санъат: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	7	3	3	4
5151605	Халқ ижодиёти: ашула ва рақс	7	2	2	5
5151700	Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш	6	2	2	4

ХУЖАТЛАР 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ижодий имтиҳонлар 11 июлдан 25 июлгача ўтказилади. Ижодий имтиҳон бўйича консултациялар 2 июлдан бошланади.

Абитуриентлар 1 август кунини тест синовларини топширадилар. Тест синовлари бўйича консултациялар 26 июлдан 30 июлгача давом этади.

II. МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ:

Шифр	Мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида		Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан: ўзбек рус	Жами	шу жумладан: ўзбек рус	
	ЖАМИ	43	11	11	32	25	7
5A150201	Театр санъати	5	1	1	4	4	
5A150203	Санъат назарияси ва тарихи (киношунос)	4	1	1	3	3	
5A150301	Актёрлик санъати (турлари бўйича)	8	2	2	6	4	2
5A150301	Драматик театр ва кино актёрлиги санъати	4	1	1	3	3	
5A150301	Эстрада актёрлиги санъати	4	1	1	3	1	2
5A150401	Режиссёрлик (турлари бўйича)	4			4	3	1
5A150401	Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги	2			2	2	
5A150401	Режиссёрлик: кино ва телевидение режиссёрлиги	2			2	1	1
5A151401	Овоз режиссёрлиги: кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги	3	1	1	2	1	1
5A151501	Кинооператорлик	2	1	1	1	1	
5A151502	Телеоператорлик	3	1	1	2	1	1
5A151601	Халқ ижодиёти (турлари бўйича)	7	2	2	5	5	
5A151601	Халқ ижодиёти: фольклор ва этнография	3	1	1	2	2	
5A151601	Халқ ижодиёти: ашула ва рақс	4	1	1	3	3	
5A151701	Маданият ва санъат соҳаси менежменти	3	1	1	2	1	1
5A610401	Маданиятшунослик	4	1	1	3	2	1

ХУЖАТЛАР 1 ИЮЛДАН 30 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Институтга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (аттестат ёки дипломнинг асл нусхаси);
3. 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
4. 3,5 х 4,5 см ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади ва нусхалари топширилади; Институтда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Абитуриентлар қўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига мурожаат этишлари мумкин. Ҳужжатлар Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси 127-а уйда қабул қилинади. Телефон: 230-28-40

РАССОМ ҲАҚИДА РОМАН-ЭССЕ

Ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматовнинг «Последнее завещание художника Рузы Чарыева» номли китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан икки минг нускада чоп этилди. Ушбу роман-эссеи ўзбек тилидан рус тилига Гавҳар Норматова таржима қилган.

— Авваллари бадиий асарларни рус, озарбойжон, турк тилларидан ўзбек тилига таржима қилиб келган бўлсам, бу гал бошқача кечди. Оиламизга яқин бўлган ажойиб инсон, бетақорор мўйқалам устаси Рўзи ака ҳақидаги бу китобни икки даъват тўфайли таржима қилдим. Чунки китобнинг ёзилишига гувоҳ бўлибгина қолмай, балки ундаги қўлпаёқ тафсилотлар ва воқеалар ичида бевосита иштирок этганим ҳам таржима жараёнида қўл келди, — дейди Г.Норматова.



Маълумки, китоб 2009 йили «Санъат» журналинда нашриётида чоп этилиб, жамоатчилик томонидан илқ кутиб олинган. Ушбу нашр аввалгисидан бирмунча фарқ қилади, унга муаллиф томонидан янги далиллар ва тафсилотлар киритилган. Шунингдек, китобга улуг рассомнинг дурдона асарларидан ўттизга яқин репродукциялар, жумладан, «Амир Темур», «Сайроблик қария», «Фитрат», «Сурхондарё мадоннаси», «Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев» каби машҳур портретлар ҳам бор.

Юссад полиграфик андозада чоп этилган китоб расм архивидан олинган ноёб фотосуратлар муҳлисларни қизиқтириши табиий.

Янги нашр

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Маъсул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Журабек ЖАНГИРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 00.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Айди — 6619. Буортма S — 6314. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нарх кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВАДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

